

May 2020

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№40 (389)

2020 йил 26 май, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

f UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май куни

транспорт соҳасининг барқарор ишлашینی таъминлаш ва изчил ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси оқибатида бутун дунёда транспорт алоқалари деярли тўхтаб қолди. Соҳадаги компаниялар бундан жиддий зарар кўрмоқда. Масалан, биргина авиация тармоғида жорий йил якунигача дунё бўйича 113 миллиард доллар йўқотилиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимиз транспорт корхоналари карантин чекловлари сабабли ҳозиргача 340 миллиард сўм зарар кўрган. Эпидемиологик вазият барқарорлашгунча бу рақамлар яна ошиши аниқ.

Шу боис, соҳада пандемиянинг таъсирини юмшатиш, корхоналарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар кўрилмақда. Масалан, карантиндан энг кўп зарар кўрадиган «Uzbekistan Airways» ва «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятларининг 122 миллион доллар кредитлари тўлов муддатлари узайтирилди, 60 миллиард сўмлик солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 50 миллион доллар миқдорда айланма маблағ сифатида фозисиз сусулалар ажратилди.

Йиғилишда янги шароит ва талаблар асосида транспорт соҳасининг барқарор

ишлашینی таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт вазирлигига «Uzbekistan Airways» ва «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятларини пандемия таъсиридан олиб чиқиш бўйича бизнес модель ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Европа – Хитой йўналишида юк ташиш бозорига кириш орқали қўшимча даромад олиш, жорий ва инвестициявий харажатларни оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Рақобатни қучайтириш учун фуқаро авиацияси бозорига янги ташувчиларни жалб қилиш, «Uzbekistan Airways»ни нуфузли хорижий компания бошқарувига бериш масаласи кўриб чиқилди.

Аэропортларни модернизация қилиш, Андижон, Бухоро, Урганч ва Қарши халқаро аэропортларини давлат-хусусий шериклик бериш бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Пандемия даврида темир йўл орқали юк ташишга талаб кескин кўпайган. Хусусан, халқаро юк ташувчиларида темир йўлнинг улуши 75 фоиздан 87 фоизга ошди. Бу хизматлар сифатини яхшилаш ва таннарх

ни тушириш орқали миқозларни кўпайтириш учун яхши имконият.

Лекин, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимида асосий воситаларнинг эскиргани, жамият таркибида носоҳавий активларнинг кўплиги асосий фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис, «Ўзбекистон темир йўллари» таркибидagi носоҳавий корхоналарни оптималлаштириш, тарифларни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, вагон ва локомотив паркни янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда автотранспортда халқаро юк ташувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Сўнгги уч йилдаги ислохотлар натижасида мамлакатимизда халқаро юк ташувчи транспортлар сони 3 баравар ошди, юкларни ташишда маҳаллий корхоналарнинг ташқи савдодаги улуши 37 фоиздан 48 фоизга етди.

Маҳаллий ташувчиларнинг қатновлар сонини янада ошириш, ташқи савдода уларнинг улушини 60 фоизга етказиш чора-тадбирлари белгиланди. Битта юк транспорти беш нафаргача аҳоли бандли

гини таъминлаши, бу тармоқда 30 мингта янги иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ички йўналишларда қатнайдиган автобусларни янгилаш, бундай корхоналарни барқарор молиявий ресурс билан таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ички йўллар масаласига алоҳида тўхталиб, уларнинг ҳолати ёмонлиги, одамлар бундан норози эканини қайд этди. 80 минг километр ички йўлларни реконструкция қилиш, бу борада бутун дунёда қўлланиб келинаётган «Фойдаланувчи тўлайди» тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

«Қамчиқ» довоида муқобил туннель қурилишینی ўз ичига олувчи «Тошкент – Андижон» пуллик автомобиль йўли лойиҳаси бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Мутасаддилар транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳисобот берди.

Ў.А.

БУГУНГИ СОНДА:



«Евро қурилиш дизайн» маҳсулотлари

2



Қурилиш объектлари учун тендер савдолари

3

ТИББИЁТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА МАРКАЗ

Пойтахтимизда ўзига хос ноёб «smart» мажмуа – Болалар миллий тиббиёт маркази бунёд этилди. Аслида бу ўлчов мезони Марказий Осиёда ягона бўлган замонавий мажмуанинг мазмун-моҳияти, юқори аниқликдаги ташхис қўйиш ва инновацион усулда даволашни ифодалайди. Соғлиқни сақлашдаги ислохотлар жараёнида бундай ёндашув бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Илғор шифо масканида жажжи қалблардаги катта умидлар ишончга айланади. Шу боисдан бу ердаги ҳар қадам жойга, ҳар бир жиҳозга айни болалар руҳиятига мос ёндашилган. Замонавий шифо масканининг бошқарув менежментига хорижий тажриба асосидаги ўзига хос ёндашув жорий этилмоқда.

Мазкур болалар шифо масканининг аҳамияти, долзарблиги, даволаниш тартиби, марказ имкониятлари хусусида Болалар миллий тиббиёт маркази директори Мурод Жафаров Ў.А. мухбири Нурилло Насриевага қуйидагиларни гапириб берди.

– Юртимизда Марказий Осиё, қолаверса, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб барпо этилган Болалар миллий тиббиёт марказининг ташкил қилиниши тиббиётимизнинг катта ютуғидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 28 февралда марказни қуриш ишлари бошланди. Қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Тўрт қаватли даволаш муассасамиз 280 та ўринга мўлжалланган бўлиб, поликлиникада кунига 250 нафаргача беморни қабул қилиш имконияти мавжуд. Марказда 38 та палата, сиғими 20 ўринли электрон кутубхона, 170 ўринли конференциялар зали, 50 ўринли ошхона, симуляция марказ мавжуд. Муассасада 830 нафар тиббиёт ходими фаолият юритади.

Нима учун миллий тиббиёт маркази деб аталди, деган савол туғилиши мумкин. Кўпгина хорижий мамлакатларда «National medical center» деб аталадиган тиббиёт марказлари бор. Бу марказлар



бошқа тиббиёт муассасаларидан юқорида турувчи марказ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз бу марказнинг ҳақиқий миллий бойлигимиз, миллий ғуруримиз бўлиши лозимлигини, бошқа болалар тиббиёт муассасаларидан юқорида туриши учун унга миллий мақомини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хориж мамлакатларидан 40 миллион долларлик замонавий диагностика аппаратлари, тиббий, технологик асбоб-ускунлар олиб келинди. Технологияларнинг кўпчилиги АҚШ ва Корея мамлакатларидан келтирилди. Чунки ҳозир Корея тиббиёти жуда ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ҳам бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида Корея билан алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган, Марказий Осиёда ягона ушбу болалар тиббиёт муассасасида йилга 1,5 мингдан зиёд ноёб жароҳлиқ амалиётини бажариш имконияти мавжуд. Муассасамиз 6 та кичик марказга бўлинган. Яъни ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида марказлар ташкил этилган. Бу ерда республика тиббиёт тарихида илк марта энг юқори аниқликдаги ташхислаш ва даволаш имконияти яратилади.

Марказ магнит резонанс томографи, мультиспираль компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Биргина мисол, ПЭТ-КТ (Позитрон эмиссион компьютер томография) аппарати саратон касаллигини эрта аниқлаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)



ТАНЛОВ

Курилиш амалиётига аниқ техник ечимга асосланган бошқариш тизимининг кенг татбиқ этилаётганлиги, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг изчил қўлланилаётганлиги ўз ижодий самарасини кўрсата бошлади.

Ошкоралик руҳида ўтмоқда

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот шаклидаги фойдаланиш биноркорлик йўналишидаги коррупция ва бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, замонавий усулларни жаддаллик билан ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай янгича ёндашув тендер савдолари ва танловни ташкил этиш, ўтказишда яққол кўзга ташланаётди. Мисол учун Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази томонидан олиб борилаётган ишлар бу фикримизни тасдиқлайди.

– Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ходимларимиз зиммага юкланган топшириқларни вақтида, сифатли бажаришда астойдил интилаётгани таҳсинга сазовор, – дейди марказ директори Суҳроб Гулямов. – Ташкилотчи сифатида ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шартнома асосида буюртмачиларга қурилишда танлов савдоларини уюштириш, ўтказиш, пудратчилар папкаларининг амалдаги қонунларга мослиги ва тўлиқлиги қатъий назорат остига олинган. Тендер комиссияси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари бошчилигидаги қурилиш, банк, молия, иқтисод, монополия, инвестиция, қурилиш назорат инспекцияси, «Шаҳарсозлик инспекцияси экспертизаси» корхонаси каби ташкилотлар вакиллари иштирокидаги комиссия ҳар бир аризани мукамал ўрганиб, биринчи ва иккинчи пакетларга жойлаштирилганлиги ҳам ҳаққонийлик

ва шаффофликни таъминлашда катта роль ўйнамоқда. Муҳими, савдолар кўтаринки руҳда, такомиллаштирилган замонавий ахборот коммуникация технологияларидан унмлли фойдаланилган ҳолда ташкил этилаётди. Ҳа, қаерда тартиб-интизом ҳукмрон бўлса, ўша жойда муваффақиятларга кенг йўл очилиши шубҳасиз. Жорий йилда марказда вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси», «Самарқанд сув қурилиш инвест», «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши», Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхоналари, «Кишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига тегишли юздан зиёд объектни қуриш бўйича танлов ва тендер савдолари ташкиллаштирилиб, ҳаммасида ошкоралик ва шаффофлик таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим иншоотларга рақобат ўсиб 14 тагача қурилиш ташкилоти баҳсга киришилганлиги ҳам бу йилги танлов ва тендерлар осон кечмаганлигидан далолат бериб турибди. Хуллас, мамлакатимиз қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ҳаракатлар зое кетмапти, мақсад сари дадил қадам ташланмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Зухра аяга Нурафшон шаҳридан янги уй берилди

Тошкент вилоятида эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг уйларига бориб, ҳол-аҳвол сўраш ва оилавий шароитини ўрганиш анъанага айланган.

Рамазон ҳайити айёми арафасида вилоятдаги барча шаҳар ва туманлардаги 88 сектор раҳбарлари, ҳомиёлар ва тадбиркорлар ўз ҳудудидидаги эҳтиёжманд оилаларнинг уйига бориб, совга-саломлар улашгани бунга ёрдам берди.

Бу каби тадбирлар доирасида Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов ҳам бир неча оилаларнинг хонадонидида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди.

Вилоят раҳбари Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўртавул» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ҳамдўстлик кўчаси 56-уйда истиқомат қилувчи Илёсовлар хонадонидида бўлди. Уй бекаси Арабгул ая узоқ йиллардан буён оғир дард билан курашиб келади. Рустам Холматов аяга ҳайитлик улашар экан, мулоқот чоғида бу хонадонга келгусида ҳам зарур ёрдам кўрсатиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ берди.

Зухра ая Дадаева Нурафшон шаҳрида фарзандлари билан ижарада

яшаб келади. Улар яшаётган уйга вилоят ҳокимининг ташрифи бир олам қувонч олиб келди.

– Мана бугун вилоят ҳокимининг шахсан ўзи уйимизга келиб, биз билан суҳбатлашди, – деди Нурафшон шаҳрида яшовчи Зухра Дадаева ўза мухбири Насиба Зиёдуллаевага. – Фарзандларим билан ижарада турман. Вилоят ҳокими билан мулоқот чоғида уй-жойга муҳтожлигимни билдирдим. Аҳволимнинг оғирлиги ҳисобга олиниб, яқин кунларда бизга Нурафшон шаҳридан янги уй-жой ажратиладиган бўлди. Энди қувончимни бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай катта кўмак учун ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлигидан беҳад миннатдорман.


Рустам Холматов Оққўрғон туманидаги «Ҳамид Олимжон» ва «Зарбдор» фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб, яна бир неча юртдошларимизни муборак байрам билан кутлади ва ўз совғаларини топширди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА МАРКАЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга клиникамизда Ўзбекистонда биринчи бўлиб генетик лаборатория фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу билан биз наслий касалликларни, бемор болалар наслида қандай касалликлар борлигини ДНК орқали билиш мумкин. Марказда бир кунлик чақалоқдан 18 ёшгача бўлган болалар даволанади. Дастлабки босқичда Тошкент ва Тошкент вилоятидаги болалар қабул қилинса, кейинчалик ҳар бир вилоятда марказнинг филиаллари ташкил этилади.

Марказда даволаниш пуллик. Аммо айрим беморларни ордерлар орқали даволаш назарда тутилган. Яъни бунда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмаси асосида ордер тизими йўлга қўйилади. Бу қандай амалга оширилади? Бемор марказга келади, текширувдан ўтказилади ва беморга бу ерда даволаниш зарурати бўлса, унга ўзимизнинг хулосамизни берамиз. Хулоса билан бемор ўзининг тегишли соғлиқни сақлаш бошқармасига боради, унга ордер



берилади. Ушбу ордер билан тиббиёт марказимизда даволаниш текин бўлади.

Юртимизда тиббиёт соҳасига илм-фан ва инновацияларнинг сўнги ютуқларини кенг татбиқ этишга эътибор тобора кучаймоқда. Бунда малакали кадрларнинг ҳиссаси бекиёс. Мазкур тиббиёт марказини

қуриш, энг сўнги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш баробарида, малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Корея Республикасининг нуфузли Пусан миллий университети клиникасида 100 нафар мутахассисимиз малака ошириб қайтди. Жарроҳлик амалиёти ускуналари-

га махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари операцияларни он-лайн тарзда кўриб туриши мумкин. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриқлар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.

Давлатимиз раҳбари кунги кеча марказимизга ташрифлари чоғида бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз ҳудудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни ташкиллаштириш, болалар медицинаси йўналишида инновацион излашлар олиб бориш, хоржий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва юқори технология муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ҳозир мамлакатимизда карантин давом этмоқда. Шу сабабли марказ ўз фаолиятини шу йилнинг август ойида бошлаши режалаштирилмоқда.

Термизлик ёш тадбиркор

Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тенгқурларини иш билан таъминлаб, ўнлаб оилалар турмуш фаровонлиги, рўзғор тўқислигига ҳисса қўшиш истагидаги ишбилармон йигит-қизлар сафининг ортишида муҳим омил бўлмоқда.



Термизлик Исроил Қурбонов 2017 йил 9 февралда тулаш шартли билан банкдан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Унинг бошчилигидаги «Massaget servis» кичик корхонасида 10 дан зиёд турдаги мебель ва дурадгорлик маҳсулотлари тайёрланади. Айни пайтда бу ерда 5 нафар киши иш билан банд. Ушбу корхонада ишлаб, йўл-йўриқ ўрганган бир неча ёшлар ҳозирда яқин тадбиркор сифатида мустақил фаолият юритмоқда.

Тадбиркор фаолиятини кенгайтириш жараёнида банкдан яна икки марта кредит олиб, катта қисмини қоплашга эришди.


– Пандемия даврида ишимиз вақтинча тўхтатилди, – дейди Исроил Қурбонов. – Карантин талаблари юмшагач, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиб, ишни

давом эттиряпмиз. Ҳозирги шароитда кредитни тулаш муддатининг узайтирилгани айни кунгидеги иш бўлди. Фақат фойзини тўласак, бас. Ассосиз текширувлар мутлақо йўқ. Солиқ юки 5-6 фоиздан 4 фоизга туширилди. Бу фаолиятимизни барқарор ривожлантириш имконини беради.

Юртимизда Исроил Қурбонов сингари давлатнинг кўмаги туфайли тадбиркорлик билан шуғулланиб, эртанги кунга ишончи ортаётган ёшлар кўп. Уларнинг тисмолида янги Ўзбекистоннинг бўлгуси саҳovatпеша, юзлаб иш ўринлари яратадиган йирик сармоядорларни кўрамы.

Суратда: корхона ишчиси Исроил Қурбонов.

Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (Ўза)
олган сурат.



«Евро қурилиш дизайн» маҳсулотлари

«Қўқон» эркин иқтисодий зонасида янги ишлаб чиқариш лойиҳалари амалиётга жорий этилмоқда. Бу қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини бераётгани билан аҳамиятли.

«Евро қурилиш дизайн» масъулияти чекланган жамияти «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган ана шундай истиқболли корхоналардан. Бу ерда 2 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, халқ ҳўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган гипсокартон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхонада 90 нафардан ортик маҳаллий ёшлар бандлиги таъминланган. Корхона маҳсулотлари халқаро талаб ва меъёрларига асосланган юқори сифати, ҳамёнбopлиги билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда. Шу кунга қадар 500 минг АҚШ доллари миқдоридидаги дастлаб-

ки маҳсулот Қозоғистон ва Тожикистонга экспорт қилинди.

Корхонада кўзда тутилган иккинчи лойиҳа - шу пайтга қадар импорт қилинган, қурилиш тармоқлари учун керакли бўлган қуруқ қоришмалар ишлаб чиқариш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Таъкидланишича, бино ва иншоотларни безашда қўл келадиган бу маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб юқори. Истиқболли лойиҳа самарасида корхонада яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Суратда: «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган «Евро қурилиш дизайн» масъулияти чекланган жамиятида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза)
олган сурат.

Олот ва Қоракўлда ҳаёт изига тушмоқда

Маълумки, 2020 йилнинг 27-28 апрель кунлари Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида кучли шамол ва ёмғир кузатилиб, шамолнинг тезлиги баъзи ҳудудларда сониясига 30-35 метргача кучайган. Бунинг натижасида вилоят бўйича жами 5 293 та объектга шикаст етганди.



Табиий офат натижасида Олот ва Қоракўл туманларининг инфратузилма объектлари, аҳоли хонадонлари, айниқса, кўп қаватли уй-жойларга ҳам кучли зарар етди. Вилоят иқтисодий тармоқлари, биринчи навбатда энергетика, ижтимоий соҳа, кўп қаватли уй-жой фонди, яқин тартибдаги аҳоли хонадонлари, нотураж жой бинолари, маданий мерос объектлари, қишлоқ ҳўжалиги экинлари, шунингдек, ғалла, пахта, мева-сабзавот майдонлари ва иссиқхоналар катта талофат кўрди. Вайронага айланган коммуникация иншоотлари, аҳоли турар жойларини таъмирлаш, табиий офат етказган талофатларни тиклашга республикамизнинг кўплаб ташкилотларидан мутахассислар, ишчи-ходимлари фаол жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан ҳам зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Унга кўра Бухоро, Термиз, Қарши, Тошкент ҳамда «Қўқон минтақавий темир йўли узели» унитар корхоналарига фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳамда ишчи-ходимлар Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида инфратузилма объектларига ҳамда аҳоли яшаш хонадонларини таъмирлашга жалб этилди.

– Жорий йилнинг 30 апрелида «Бухоро минтақавий темир йўли узели» унитар корхонаси бошлиғи, Бухоро вилояти халқ депутатлари Кенгаши депутати Алжон Эргашев бошчилигида узел ва унинг тасарруфида бўлган барча корхона ва ташкилотлар иш-

чи-ходимларидан тузилган 500 нафарга яқин ишчи гуруҳ Қоракўл ва Олот туманларида яшовчи, табиий офатдан зарар кўрган аҳоли қатламга ҳар томонлама тезкор ёрдам кўрсатиш мақсадида Қоракўл туманига жалб этилиб, табиий офатдан зарур кўрган объектлар ҳамда аҳоли турар жойларини таъмирлашга киришилди, – дейди «Бухоро минтақавий темир йўли узели» унитар корхонасининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Етакчилар кенгаши координатори Мирзабек Музаффаров. – Бунинг учун темир йўл корхоналаридаги тажрибали мутахассислардан иборат қурувчилар, электр тизими соловчилари замонавий ва зарур техникалар билан воқеа жойида таъмирлаш ишларини барча санитар ва гигиена ҳамда хавфсизлик талабларига амал қилган ҳолда бажаришмоқда.

Қурилаётган биналарнинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиш бўйича темирйўлчилардан иборат 17 та қурувчи мутахассислар гуруҳи ҳамда ишчи-ходимлардан иборат юздан ортик кичик гуруҳлар ташкил этилди. Уларнинг оғирини энгил қилиш учун 2 та трактор, 6 та КаМАЗ ва 4 та Isuzi русумли юк ташувчи автомобилларини, 2 та автокран, электр симёғочларини таъмирлашда фойдаланиладиган 1 та

автованна Қоракўл тумани ҳудудига олиб келинди.

Юртимизда коронавирус пандемияси давом этаётгани сабабли карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинишни таъминлаш мақсадида ишчиларга тиббий ниқоблар, антицеттик воситалар тарқатилишига ҳам катта эътибор қаратилган.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, жорий йилнинг 30 апрелидан 13 майга қадар темирйўлчилар томонидан Қоракўл ва Олот туманларидаги табиий офатдан зарар кўрган жами уч йиллик хонадон, 10 та мактаб, 3 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 2 та мактабга таълим муассасаси тўлиқ таъмирланди. Олот ва Қоракўл туманларидаги аҳоли пунктларида табиий офат оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий, муҳандислик, транспорт ва энергетика инфратузилмаси ҳамда бошқа ҳаётий муҳим объектлар ва тизимларни, уй жой ва коммунал ҳўжалигини тиклаш ва ишчанлик ҳолатига келтириш каби муҳим масалалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу ҳудудларга яна янги ҳаёт қайтаётганидан дарак беради.

Наргиза МИРЎҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги хузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

Тошкент вилояти филиали томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич қиймати (сўм ҚҚС билан)	Қурилиш ишларини тугаллаш муддати
1.	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида 360 ўринли 36-сон мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш	6 771 603 359	180 кун
2.	Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Уйс» МФЙда 18-сон мактабгача таълим муассасасининг қурилиши	3 124 474 584	120 кун
3.	Тошкент вилояти, Бўка туманида 10-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш (150 ўринли мактабгача таълим муассасасини қуриш)	3 455 594 327	120 кун
4.	Тошкент вилояти, Қибрай туманида 25-сонли мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш (210 ўринли мактабгача таълим муассасасини қуриш)	6 017 361 418	150 кун
5.	Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Қуштамғали» МФЙда 4-сон мактабгача таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш (120 ўринли мактабгача таълим муассасасини қуриш)	3 823 670 950	120 кун

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги хузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Тошкент вилояти филиали
Манзили: Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани, Оқ дарё кўчаси, 122-уй.
Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.
 Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
 Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:
 Тошкент шаҳар А. Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефон (факс): 71-241-15-26, 71-241-15-37.
E-mail: toshkonsaltingtorg@bk.ru
 Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
Таклиф (оферта)лар очилиши <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
 Тошкент шаҳар Яшнабод тумани, Оқ дарё кўчаси, 122-уй.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, 14069-сонли ҳарбий қисмни реконструкция қилиш	2 662 681 017	190
2.	Хоразм вилояти, Урганч шаҳар Амир Темур кўчасидаги 53008-сонли ҳарбий қисмдаги мавжуд автопаркни реконструкция қилиш	2 115 549 660	190

Буюртмачи: Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.
Тел.: (62) 223-09-29.
Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.
 Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
 Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:
 Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.
Тел.: 62-228-51-99.
 Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.
 Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 5 июнь кун, соат 10.00 гача бул қилинади.
Таклифларни очиб тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 5 июнь кун, соат 10.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:
 Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.
 Эълон dxarid.uzex.uz сайтыда берилган.

(ПОВТОРНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ)

СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Форма финансирования: Истисна'а
ПРОЕКТ № УЗБ-1004.

№ конкурсных торгов 2020-01

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлоқ қурилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 3-х многоэтажных жилых домов (72 квартиры) по типовым проектам в сельских местностях Сырдарьинской области.
Срок строительства составляет – 8 (восемь) месяцев.
 2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.
 3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве, по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.
Сырдарьинская область
Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.
Телефон: (67) 227-64-84.
Факс: (67) 227-64-42.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – территориальному консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительстве.
Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Сырдарьинская область
Банк: Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД
Р/с: 2021 0000 3038 3676 6001
ИНН: 202585476

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов, с даты объявления конкурсных торгов по пятнику) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в территориальном консалтинговом центре по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.
 7. Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2% от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.
Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Сырдарьинская область
Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.
Телефон: (67) 227-64-84.
Факс: (67) 227-64-42.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

ПРИГЛАШЕНИЕ №2020-01

ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ лота	Наименование региона	Наименование массива	Кол-во квартир	Многоэтажный дом с 2-,3-х комнатными квартирами			Крайний срок подачи
				кол-во домов	кол-во квартир	№ дома	
	Сырдарьинская область	2	72	3	72		
ИБР-70	Баяутский	«Янгихаёт»	24	1	24	3	23 июня 2020 года, 15.00
ИБР-74	Гулистанский	«Юлдуз»	24	1	24	2	23 июня 2020 года, 15.20
ИБР-75	Гулистанский	«Юлдуз»	24	1	24	3	23 июня 2020 года, 15.40

«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига АТ «Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2020 йил 25 майдаги 17/03-07/104-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 6-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:
 2014 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 107 МАА бўлган, техник соҳ ҳолатдаги «ЛАСЕТТИ» русумли машина. Бошланғич баҳоси – 67 868 488 сўм.
Аукцион савдоси 2020 йил 25 июнь кун, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносидан ўтказилади.
Аризаларни қабул қилишининг охириг муддати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 16.00 тўхта-тилади.
 Савдо қолиби деб топилган шахсларга 20 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранс-порт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кун-лари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талаб-горлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача туш-лик вақти).
Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлма-ган миқдорда зақалат пулини савдо ташкилотчиси «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳи-соб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.
Тел.: (61) 222-84-44.
Расмий сайтими: www.fmm.uz
 9506 рақамли гувоҳнома.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

АТБ «Микрокредитбанк» Қашқадарё вилояти Янги Нишон филиали ва «Насаф риэлт сервис» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ўтказиладиган офертага таклиф этади!

Оферта савдоларига «Микрокредитбанк» АТБ Янги Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган умумий майдони – 848,76 квадрат метр, қурилиш майдони – 324,74 ква-драт метр бўлган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 609 044 152 сўм.
 Савдолар матбуотда эълон чоп этилган санадан бош-лаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уйда соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносидан бўлиб ўтади.
 Сотиб олувчи савдо ўтган кундан бошлаб 1 (бир) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб 5 (беш) кален-дарь кун ичида мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бе-риш мажбуриятини олади.
 Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объ-ект билан савдо ташкилотчиси ёки сотувчи орқали тани-шишлари мумкин.
Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.
Телефон: (91) 222-37-15, (94) 333-60-99.
Электрон почта: Shuhrat682009@mail.ru
Веб-сайт: nasaf-nedvijimost.zn.uz
 Хизматлар лицензияланган.
 RR -0204-сонли лицензия.

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига

2020 йил учун обуна давом этмоқда!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.

Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz

Обуна индекси **466**

Аслида ёзмоқчи эмасдим-у...

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ошириш буйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада йўл қўйилган ва ҳатто, йўл қўйилаётган хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш буйича муҳокамаю мунозаралар қизигандан қизиб бормоқда. Бугун бу тортишувлар ўз ниҳоясига етгандек, гўё.

Бу жараёнда соҳа йўлида фидоийлик қилаётганларга қарата тош отилгани, уларнинг бу борада ҳеч нарса қилмаётгани ва ёки қилишга кучи етмаслиги кўп марта такорлангани кишини уйга толдиради. Албатта, бу уларнинг фикри. Ҳеч ким бошқа бировни фикр билдириш, ўзи хоҳлаган тилда уйлаш, фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилолмайди. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида белгилаб қўйилган.

Энг қизиғи, мана шундай фикр билдирганларнинг 80-90 фоизи ўз «пост»ларини адабий тил қоидаларига риоя қилмаган ҳолда қолдирди, десам янглишмаган бўлам. Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳўш, улар ўзи адабий тил меъёрларини биладими? Бу энди бошқа масала.

Ижтимоий тармоқларда ана шундай ҳолатга нисбатан ўз қарашларини баён қилганларга «Ассийси ўз фикрини айтпти, қандай кўринишда, ёзишининг нима фарқи бор?», деган жавоблар ҳам «янгради».

Кези келганда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида давлат тилида иш юритиш тизимини янада такомиллаштириш буйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Марказий аппарат бошқарма ва бўлимлари фаолиятига оид ҳужжатларни давлат тилига таржима ва қабул қилиш ишларини ажундай деб қолдик. Бизга келаятган ҳужжатларни билмадим-у, биздан бошқа ташкилотларга юборилаётган ҳужжатлар давлат тилида тайёрланмоқда. Бунинг шарт эканлигини ҳамкасбларим тушуномоқда ва бу борада амалий кўмак кўрсатишмоқда.

Энди белгиланган вазифаларнинг иккинчи босқичи, яъни Вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар билан ишлашга ўтдик. Ишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида бунинг учун, аввало, уларда ушбу йўналиш буйича масъулларни белгилаб олдик. Ҳозирда улар билан

ҳамкорликда тизим ташкилотларнинг ҳам фаолиятини ўрганиб, баъзи ҳужжатларни давлат тилида қабул қилиш буйича зарур чоралар кўриломоқда. Бу қисқача танаффус эди.

Конституциянинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, деб қатъий белгилаб қўйилган. Бу қоидага зид ёки қарама-қарши ҳаракат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо кимдир ҳақдидан ошиб, шундай ҳаракат қиладиган бўлса, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмоқда, деб топилиши мумкин (20-модда).

Бундай ҳолатларга қарши чиқиш, курашиш учун ҳаммасини ўзимиздан, яъни шахсан ўзимиздан, оиламиздан, ишхонамиздан бошлашимиз зарур. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, сиз ўзбек тилида гапирасиз, оилада ўзбек тилида мулоқот қиласиз, ишхонамизда барча ҳужжатларни (халқаро ташкилотлар ва хорижга юборилаётганлари бундан мустасно) ўзбек тилида тайёрлайсиз ва ҳамкасбларингиз билан ўзбек тилида мулоқотга киришасиз. Ким сиздан бошқа тилда гапир, деб талаб қилади, ким сизни бунга мажбурлай олади, ким сизни бу ҳуқуқдан маҳрум қилишга уринадми? Ким...?

Масалан, мен шундай қиялман. Бир ҳамкасбим доим менга ўз тилида «Здравствуйте», дейди. Мен эса унга «Ассалому алайкум», деб жавоб қайтараман. Тунда кунчи яна бир ҳамкасбимиз шу воқеани эсга олиб, русча салом берувчи ҳамкасбимиз ҳеч бўлмаганда ўзбекча саломлашишни ўрганаётганини айтди. Ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Курашиш дегани мана шунақа бўлса керак-да.

Энди ҳар биримиз шундай қилсақ, нималар бўлишини ўйланг. Бунинг учун кимларнингдир дилни хира қилиш шарт эмас. Шунчаки сиз ўз тилингизда гапиринг, ҳаммаси изига тушиб кетлади.

Таълим, билим ва маданиятни унга аъзо бўлган ҳар бир давлатдаги миллий комиссиялар орқали амалга оширувчи ЮНЕСКО томонидан олиб борилган тадқиқотлар бугунги кунда дунёда минглаб

мана шу сабабли у энг кўп фойдаланиладиган тил деган хулосага бориш нотўғри. Дунё тиллари рўйхатида қаралса, инглиз тили 2-ўринни эгалламоқда. Аҳолиси сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турувчи Хитой рўйхатининг бошида турибди. Ундан кейинги ўринларни инглиз, испан, ҳинд, араб, рус, малай, бенгал, португал ва француз тиллари эгаллаган.

Бизнинг асосий мақсадимиз кимлар биландир давлат тилини янада ривожлантириш буйича



“TIL - MA'NAVİYAT KO'ZGUSI.”

... jamiki ezgu fazilatlar inson qalbida ona tilining betakror jozibas bilan singadi. Ona tili bu millatning ruhidir.

тиллердан фойдаланилаётганини кўрсатмоқда. Бу тилларнинг бир қисми кенг миқёсда бўлса, бошқалари бир ҳудуд доирасида фойдаланилмоқда. Ҳўш, дунёда энг кўп фойдаланиладиган тиллар қайси?

Инглиз тили гарчи дунёнинг жуда кўп ҳудудларида ишлатилаётган бўлса ҳам, аммо айнан

пачакилашиб ўтирмасдан, уни оқорида келтирилган тиллар қаторига киритиш, ҳеч бўлмаганда уларга яқинлаштиришни ўйлашимиз керак.

Нурулла АБДУЛЛАЕВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маслаҳатчиси.

ри, ўланларини эшитиб улғайганман. Одамларнинг ўзига хос сўхбат йўсини кўнглимга олам-жаҳон нур бағишлаган. Халқнинг шу улғу меросини кузатиб, у билан ҳаётини боғлаган инсон сифатида айтишим мумкинки, бундай улғу, жозибдор, бой, гузал тилимиз билан ҳар қанча фахр этсак бўлади.

Надоматки, тилимизнинг қадрига етмайдиганлар, ҳатто уни камситадиганлар тоифаси ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу ниҳоятда қайғули, гамгин ҳодисадир. Албатта, бунга ўзимизнинг ҳам айбими бор.

Тошпўлат МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

НУЖНО ЗНАТЬ

Часто многие путают анкеровку арматуры и ее стыковку. А это принципиальные вещи, влияющие на прочность, т.к. длины анкеровки и стыковки рассчитываются по-разному.


Анкеровка или стыковка?

Итак, что такое анкеровка и стыковка арматуры?

Рассмотрим случаи для арматуры периодического профиля с условием отсутствия сварных соединений.

Анкеровка арматуры – это заделка арматуры в бетон с целью закрепления ее в нем. Длина анкеровки – это необходимая длина этой заделки, обеспечивающая равнопрочность этой заделки самой арматуре. То есть длина анкеровки в идеале должна быть такой, чтобы при приложении растягивающего усилия к арматуре стержень рвался одновременно с началом вырывания его из бетона. На практике делают длину анкеровки с запасом, чтобы стержень только был заделан надежно и рвался по сечению, а не вырывался.

Стыковка арматуры – это обеспечение стыка арматурных стержней в бетоне, обеспечивающее равнопрочное соединение. В львиной доле проектов ввиду простоты стыковка арма-



туры обеспечивается перехлестом арматурных стержней в бетоне в плотную друг у друга (без применения сварки). Усилия между этими стержнями передаются по бетону за счет большой длины. То есть постепенно усилия «стекают» с одного стержня на другой через обжимающий бетон. Длина стыковки – это необходимая длина перехлеста арматурных стержней, обеспечи-

вающая равнопрочность стыка самим стержням.

Длина стыковки всегда больше длины анкеровки. По причине того, что стержни арматурные в стыковочном узле прижаты друг к другу и бетон, обжимающий их, работает не полностью по всему сечению в отличие от анкеровки, где закрепляется одиночный стержень.

По материалам Интернета.

КАРАНТИН

«Гўзаллик салонлари» ва сартарошхоналарга қўйилган талаблар қандай?

Иш юзасидан кўчага чиқдим. Йўл-йўлакай «Гўзаллик саломи»га кирдим. Хизмат кўрсатувчилар ҳимоя кийими ва ниқобда. Киришдан аввал ҳароратимни ўлчашди. Қўлларимга қўлқоп беришди. Масофа сақлаб туришимни тавсия қилишди. Бу каби тартибли ташкил этилган ишни кўриб қувондим, албатта. Бу ҳаммамизнинг саломатлигимизни асраш учун зарур эканини яна бир бор ҳис этдим.

Маълумки, бугунги кунда эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда, барча санитария-гигиена талабларига амал қилган ҳолда, сартарошхона ва «Гўзаллик салонлари» ҳамда йўналишиз таксиларнинг ўз иш фаолиятини давом эттиришига руҳсат берилган.

Хусусан, «Гўзаллик салонлари» ва сартарошхоналарда иш бошлаган аввал корона-

вирусга қарши режимга мувофиқ дезинфекциялаш воситаларидан фойдаланган ҳолда умумий тозалашни амалга ошириш мижозларнинг саломатлиги учун муҳимдир.

Айни вақтда фаолият юритиши бошлаган ана шу каби хизмат кўрсатиш бинолари-

нинг кириш қисмига тери антисептиклари билан ишлов бериладиган жойлар, яъни таркибиде 70 фоизли этил спирити бўлган ёки изопропил миқдори камида 60 фоизни ташкил қилувчи дозаторлар ўрнатилиб, ишлар бошланган. Аммо бу қатъий талаб эканлиги, хушёрликини йўқотмаслик кераклиги муҳимдир.

Хизмат кўрсатишда ташриф буюрувчилар камида 15 дақиқалик вақт оралигини сақлаши керак. Бунинг учун олдиндан бюртмалар олишни йўлга қўйиш талаб этилади. Келувчиларга алоҳида хонада ёки имкон қадар бир-бирининг ораси ойнакли экран билан тўсилган ўриндиқларда

ниқоб, юзни тўлиқ тўсадиган ҳимоя ойнаси ва тиббий қўлқопдан фойдаланган ҳолда «1 та мижоз» тамойили асосида ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ишлашга руҳсат берилади.

Ҳар кун ишдан кейин ювиладиган сочиқлар ёки бир марта ишлатиладиган сочиқ ва салфеткалардан фойдаланиш шарт.

Ҳар бир мижоз учун хизматни тугатганидан сўнг, дезинфекциялаш воситаларида фойдаланган ҳолда барча юзалар, яъни эшик тўтиқчалари, ўчиргичлар, қўл тутқичларни зарарсизлантириш ҳамда вирусли режимга мувофиқ ҳар бир мижоздан кейин ишлатилган ускуналарда зарарсизлантиришни ўтказиш қоидаларига амал қилиш зарур.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 2 июнь кунни чиқади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧҚ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туяганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғалижон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳиш

Дилшод Жалолов
Акмал Махкамов
Райхон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧҚ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсановатчилик материаллари» уюшмаси,
«ЎзАШКЛИТИ» ДУҚ, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУҚ,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧҚ,
«ЎзгеорангментЛИТИ» ДУҚ.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қўлқоп),
71-244-15-13 (қўлқоп), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими),
E-mail: uzbunyodkori@mail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-550-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбўт ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси – 466. Бюрога – Ғ-553.
2143 нўсхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.

Навбатчи – Б. Туяганов.

ЎЗА ақуни – 2115. Топширилди – 2210.